Фанимиз заҳматкашлари

# Илдизлар ва япроқлар

Ажойиб олим Раҳим Худойбердиевнинг салкам олтмиш йил давомидаги илмий изланишлари катта китобларга жо бўлгуликдир. Чоп этилган юзлаб мақолалари ҳамда монографиялари ҳозир ҳам унинг шогирдлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олим иштирокида илк бор ўзбек тилида яратилган «Одам анатомияси» дарслиги бугунги кунимизгача бир неча марта қайта нашр қилинди. Агар олимнинг ўтган йиллар ичида қай лавозимларда фаолият кўрсатгани, илмга қандай янгиликлар олиб киргани ва қанча шогирдлар тайёрлаганини бирма-бир санаб чиқсак борми, бу рўйхат узайиб бораверади. Шундай кезларда тасаввуримизда ҳеч бир заҳмату қийинчиликларга парво қилмай, пиллапояма-пиллапоя юқорилаётган кишининг сиймоси жонланади. Аслида бу илгарилашлар ўз-ўзидан бўлганмикин? Йўқ. Олдинга босилган ҳар бир қадам ортида беҳаловат кунлар, уйқусиз тунлар, фикр ва мушоҳадага бой лаҳзалар бор. Танни оромдан мосуво этиб, руҳни юксалтирмоқ машаққатидан роҳатланган одам эса чинакам фидойидир. Қаҳрамонимиз ана шундай инсон. Унинг фидойилиги қачон, қай йиллардан бошланган эди?

— Талабалик давримиз уруш йилларига тўғри келганди, — дейди олим. — Домлаларимиз жанг майдонларига жўнаб кетишди, биз эса институтни битириш арафасида турардик. Бошланғич курсларга сабоқ беришимиз учун махсус буйруқ чиқарилди. Талабаларни ўқита бошладик...

Эҳтимол, илм пиллапояларига биринчи қадам ўша йиллардаёқ қўйилгандир. Дастлаб институтнинг нормал анатомия кафедрасида аспирантурани ўтагани, илмий изланишлар баробарида номзодлик ва докторлик илмий даражаларига эришгани уни олим сифатида кенг жамоатчиликка танитди. Илм билан шуғулланиш аслида «игна билан қудуқ қазиш» демакдир. Илм кишиларининг ҳар соати, ҳар сонияси ўқиб-ўрганишлар оралиғида кечади. Р. Худойбердиев 1950 йиллар арафасида дастлабки тажрибаларини ўтказа бошлади. У чаноқ чиғалларининг шакллари ва гавда тузилиши орасида катта боғлиқлик борлигини аниқлади. Бел-думғаза чигали шаклларини туркумларга ажратиб берди. Оёқ нервларининг қон билан таъминланиши манбаларини ҳамда уларга қон келиши бузилишининг сабабларини билиш мақсадида экспериментал тажрибалар ўтказди.

Олим қон келиши бузилишининг оқибатларини ва йирик тўқималарда қон келиши бузилиши натижасида пайдо бўлган неврологик касалликларни чуқур ўрганиб, 1957 йилда «Оёқ нервларининг артериал қон билан таъминланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

— Бир аъзода жарроҳлик иши олиб борилганда унга қўшни аъзоларнинг аҳволи қандай кечади, деган савол менга ҳеч тинчлик бермасди, — дейди олим. — Бу соҳадаги изланишларимиздан сўнг маълум бўлдики, жарроҳ тиғи теккан аъзонинг ўзигина эмас, балки унга яқин турган бошқа аъзолар фаолияти ҳам издан чиқиб қоларкан. Демак, жигарнинг касалланган бўлаги олиб ташланадими, дарҳол унинг ёнида жойлашган ичакни даволаш керак бўлади. Жарроҳлик пайтида қалқонсимон безни қон билан таъминловчи артериал томирларни боғлаганда безда қандай ўзгаришлар юзага келади? Бузилган қон айланишини қайта тиклашда қай муолажалар фойдали, қай бирлари тўғри келмайди? Ошқозонда ўтказилган жарроҳлик натижасида ён-атрофдаги ичакларда қанақа ҳолат рўй беради? Хуллас, изланишларимиз давомида ўтказилган тажрибаларимиздан аён бўлдики, кўпгина хасталиклар танадаги аъзоларнинг қонсираши, яъни қонга ёлчимаслиги туфайли келиб чиқаркан!

Олимнинг ҳали-ҳали ёдида, ўшанда у катта илмий анжуманда нутқ сўзлаганди. Оёқ гумбазларининг гўдакликдан то ўсмирликкача ўсиши, қай ёшларда секинлаб, қай ёшларда тезлашиш ва қайсидир ёшларда эса ўсмасдан «тўхтаб» қолиши асослаб берилган эди, бу нутқда. У минбардан тушгач, залда ўтирган мутахассис бир аёл сўз олиб бу нутқнинг аҳамияти ҳақида гапирди. «Аслида, бола халқи ўта ҳаракатчан, демак, у ҳаракатдан тўхтаган пайтда оёқ гумбазлари ҳам ўсишдан тўхтаркан», деди аёл, сўнг ҳозирги нутқ асосида боғчадаги машғулотлар ҳамда мактабнинг бошланғич синфларидаги жараёнлар дастурини қайта ишлаб чиқиш кераклигини таклиф этди.

— Инсоннинг биологик тузилишини чуқур ўрганишдаги натижаларимиз шуни кўрсатдики, беморларни бир хил усулда даволаш унчалик тўғри эмас, — деди олим суҳбатни давом эттириб. — Бир хасталикка чалинган икки беморга битта муолажа икки хил таъсир кўрсатади. Беморни ёшига, касбига, гавда тузилиши ҳамда ташқи кўринишига қараб даволаш зарур бўлади. Айрим касалликлар болаларда тезроқ тузалади, катталарда эса секинроқ. Бошқа бирлари аксинча. Жароҳатлар ҳам шундай. Бунда ҳали айтиб ўтганимдек, беморнинг ёши, гавда тузилиши, касби муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусдаги илмий тажрибалар натижаларига кўра шифокору жарроҳлар билан биргаликда иш юритдик.

Олимнинг ёнар чироқлари — беш нафар фарзандлари бу кун эл-юрт хизматида. Алишер ва Мурод Худойбердиевлар етакчи шифокор, Мақсуджон эса яхшигина иқтисодчи. Қизлари Лазизахон, Умидахонлар ҳам тиббиёт соҳасининг жонкуярлари. Ҳаммалари ота хонадонига тез-тез ташриф буюриб, падари бузрукворларининг суҳбатлари, оқилона маслаҳатларидан баҳраманд бўлишади.

Олим ўзи иш бошлаган нормал анатомия кафедрасида узоқ йиллар турли лавозимларда фаолият кўрсатиб, ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг қирқдан ошиғи устозлари кўмагида илмий даражаларга эришишди. «Биз олимлар бугунги ёшларимиз учун зарурий «хомашё»ни тайёрлаб бердик, — дейди у. — Биз худди япроқларга яшиллик бахш этган илдизлардаймиз...» Бу — чин ҳақиқат. Дарахт япроқлари доимо илдизлардан қувват олиб яшайди. Инсон ҳам шундай. Кексалар донишмандлиги ёшлар учун ибрат мактабидир. Аслида инсон умри унинг неча йил яшагани билан эмас, ҳаёти давомидаги эзгу ишлари билан ўлчанади. Раҳим Худойбердиев эзгуликларга тўлиқ гўзал бир умрни яшаб келди. Шу жиҳатдан уни бахтли инсон демоқликка ҳақлимиз.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

# Туркманбошининг сирли маҳбуслари

## “Ал-қоида”нинг икки нафар россиялик жангариси уйига етиб бормади.

Қарийб бир йилдан буён “Ал-қоида”нинг икки жангариси ўта сирли равишда Туркманистон ИИВнинг Мари шаҳридаги махсус тергов изоляторида сақланмоқда. Уларнинг иккаласи ҳам Россия фуқароси бўлиб, бошқирд миллати вакилларидир. Бу маълумотлар ҳамда уларнинг тергов пайтида берган гувоҳлик тафсилотлари жорий йил баҳорида Туркманистон маъмурлари томонидан ҳибсга олинган, лекин озодлик билан алоқа боғлаш сирли каналларини сақлаб қолган шу мамлакат ҳарбий ва хавфсизлик кучлари ходимларидан “Время новостей” газетасига маълум бўлган. Улардан бири Туркманистон чегара хизмати собиқ раҳбари генерал Тиркиш Тирмиев Ашгабаднинг Житников кўчасида жойлашган Миллий хавфсизлик қўмитасининг махсус тергов изоляторида сақланмоқда. Манбаларимизнинг таъкидлашича, чегара генерали ҳамда Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси собиқ раҳбари генерал Муҳаммад Назаров ўлимга маҳкум этилганлардан, деб ҳисобласа бўлади. Зеро, уларнинг Туркманистоннинг кўплаб сир-асрорларидан воқиф бўлганликлари туфайли озодликка тирик чиқишлари гумон.

Туркманистондаги россиялик “ал-қоида”чи жангарилар тарихи 2001 йилнинг ноябрь ойидан бошланади. Ўша пайтлари АҚШ авиацияси Афғонистоннинг жанубий-шарқида жойлашган ва тахминларга кўра, Усама бин Лодин яшириниб юрган Тўра-Бўранинг тоғли ҳудудларини осмондан шиддат билан ўққа тутарди (Кейинчалик Туркманистонда қўлга тушиб, қамалган жангариларнинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам, Усама ўша кунлари айнан шу ерда ўзининг 500 қуролдоши билан бўлган). Американикларнинг тоғли ҳудудларда қуруқлик ҳарбий амалиётларни амалга оширмасликлари тўғрисида хабар “Ал-қоида” раҳбариятига маълум бўлган заҳотиёқ, жангариларга гуруҳларга бўлиниб, сингиб кетиш учун ишончли каналлар орқали қўшни мамлакатларга ўтиш буйруғи берилган. Туркманистон шу мамлакатлар сирасига кирган эди. 12 ноябргача Тўра-Бўра атрофида жойлашган 15 кишидан иборат икки гуруҳ 16 ноябргача Кушка яқинидаги Туркманистон-Афғонистон чегарасига чиққан.

Асосан ўзбеклардан ташкил топган мазкур гуруҳларнинг бири, Туркманистон ҳудудини муваффақиятли кесиб ўтган. Унга Мари шаҳри теварагида тижорат билан шуғулланиб юрувчи афғон савдогарларига яқиндан ёрдам бераётган, чегаранинг нариги томонида ишончли алоқаларга эга бўлган туркман хавфсизлик хизмати ходимлари кўмак берган.

“Ал-қоида”чиларнинг чегарани муваффақиятли кесиб ўтишига Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари полковник Ҳаит Какаев жавобгар бўлган (У шу йилнинг баҳорида Туркманистон президенти томонидан уюштирилган махсус хизматни тозалаш жараёнида биринчилар қаторида ҳибсга олинди ва лавозимини суиистеъмол қилгани учун узоқ муддатли қамоққа ҳукм қилинди). Иккинчи гуруҳ эса, чамаси, озгина ҳаяллаб қолиб, чегарага жуда кеч чиққан. Ўзининг хизмат вазифасини адо этиб юрган туркман чегарачилари эса ҳеч нарсадан гумонсирамасдан, жангариларни ҳибсга олган.

Бу маълумот Миллий хавфсизлик қўмитасига етказилган. Бу хабар Какаевни четлаб ўтиб унинг раҳбари, генерал Назаровга етиб боргани сабабли ушланганларни Маридаги махсус тергов изоляторига жойлаштириш буюрилган. Бизга номаълум баъзи сабабларга кўра, 11 жангари “сингиб кетиш”га муваффақ бўлган. Махсус тергов изоляторида гуруҳдан фақатгина тўрт киши — икки нафар россиялик бошқирд, араб ва йўлдошлари уни “имом Шамил авлодига мансуб”, деб атайдиган “олий зотли” чечен қолган. Кейинчалик охирги иккитаси ҳам хуфёна равишда ғойиб бўлган.

Россиялик “ал-қоида”чи жангарилар ташкилотнинг оддий аъзолари эмасликлари аён бўлди. Уларнинг тергов пайтида берган муҳим гувоҳликлари натижасида Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитасида катта ҳажмдаги “иш” пайдо бўлди. Мозори - Шарифда портлатиш услубларини ўрганган жангарилар бин Лодин ажнабий кўнгиллиларининг Афғонистонга ва зарурат туғилганда орқага қайтиш йўллари тўғрисида сўзлаб берганлар. Транзит мамлакатлар қаторида улар, хусусан, Озорбайжон ва Грузияни зикр этишган. Бу ўринда Грузия катта ҳурмат билан тилга олинган. Россияликларнинг сўзларига қараганда, у ерда МДҲ фуқаролари учун ҳар қандай ҳужжатни тўғрилаш мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали совет паспортларининг эски намуналари муомалада бўлган вақтга тўғри келган. Янги Россия ҳужжатлари пайдо бўлгандан сўнг қийинчиликлар бошланган. Туркманистон “иши”да, шунингдек, Россиянинг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида иш олиб бориш бўйича “Ал-қоида”нинг режалари тўғрисида муҳим далиллар мавжудлигини манбаларимиз таъкидлайди.

Президент Ниёзовга воқеа тўғрисида ҳисобот берилганда, у, кутилмаганда, ўз муносабатини билдирган. Ўша пайтда, “янги” Туркманистон мухолифати раҳбарлигини қўлга олган хориждаги собиқ ҳукумат аъзолари унга қарши чиққан эди. Уларнинг хорижий давлатлар томонидан қайтариб топширилишини беҳуда талаб қилиб юрган бир пайтда, Туркманбоши “ал-қоида”чиларни мухолифатчиларга айирбошлаш мумкинлиги тўғрисидаги фикрга келган. Душманларига ҳомийлик қилишда Россия ва АҚШдан гумонсираган Туркманистон йўлбошчисининг мантиқи содда эди: модомики улар террористларни қидираётган экан, эвазига менга ўзимнинг шахсий душманларимни топширсин. Ниёзов Миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбари Назаровга хорижий мамлакатлар махсус хизматлари резидентлари билан боғланиб, уларга ушбу фикрни таклиф қилишни буюради. Генерал қўл остидагиларни йиғиб, топшириқни етказади. Лекин ҳамкасблари унга бу ишни амалга ошириб бўлмаслик ва бу иш хавфли эканини уқтирадилар.

Шунда Назаров ёлғон гап ишлатишга мажбур бўлади: у президентга мазкур фикр таклиф қилиндию, лекин улар бунга қизиқиш билдирмади, деб ҳисобот беради. Шундан сўнг Туркманбоши россияликларни Марида қолдириш ва уларни унутишни буюради.

Яқинда Ниёзов кейинги бир неча ой ичида иккинчи марта Миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбарлари орасида тозалаш ишини амалга ошириб, қўмитани Миллий хавфсизлик вазирлиги, деб номлайди. Туркманистон махсус хизматида бўлиб ўтган навбатдаги ўзгаришлар натижасида бизга россиялик “ал-қоида”чилар “иш”и номаълум бўлиб қолди. Лекин, шу нарса аниқки, улар ҳали ҳаётлар.

**Аркадий ДУБНОВ**
**“Время новостей”нинг 2002 йил 19 сентябрь сонидан.**

Тадбир

# «Мустақиллик — буюк саодат»

Тошкент Молия институтида «Мустақиллик — буюк саодат» мавзуида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда республикамизда маънавий-маърифий йўналишда фаолият кўрсатаётган кўпгина нуфузли ташкилотлар раҳбарлари ва илмий ходимлар иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент Молия институти ректори, академик Мурод Шарифхўжаев очиб, мустақилликка эришилгандан буён мамлакатимизда рўй бераётган такомиллашиш жараёни, халқимизнинг тарихий обидалар ва меросимизга бўлган муносабатларидаги ўзгаришлар, уларнинг маънавий дунёқараши кун сайин чуқурлашиб бораётганини таъкидлади.

Илмий-амалий конференцияда қатнашган тарих фанлари доктори, профессор Садриддин Салимов, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ёқутхон Ражабовалар фуқароларнинг айни пайтда амалга ошириши лозим бўлган вазифалари, мажбуриятлари ҳамда бугунги кун хотин-қизлари маънавияти, жамиятда тутган ўрни, келажакда эришиши зарур бўлган даражаси ҳақида фикр юритдилар. Тошкент Ислом университетининг исломшунос олими Абдулазиз Мансур инсон маънавияти ва маърифати масалаларига Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда кенг ўрин берилганлигига тўхталди. Бундан ташқари, Тошкент Молия институтининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб, ўз мутахассисликлари, маънавий-маърифий-тарбиявий йўналишларда институтда амалга оширилаётган диққатга сазовор ишлар тўғрисида ибратли маърузалар қилдилар. Сўнг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб номланган фильм намойиши бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган талабалар видеофильмдан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Умуман, анжуманни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилди ва келгусида бугунги кун талабига мос тушувчи шундай тадбирларни мунтазам ташкил этишдек эзгу ниятлар билдирилди.

**Элшод НАБИЕВ, Тошкент Молия институтининг биринчи проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.**



*Деҳқон учун дала уйи каби қадрли. У бепоён далаларга қараб қувонади, бағрида ризқ-насиба унаётган замин саховатидан кўнгил чигиллари ёзилади. Даладаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир дарахт унинг учун содиқ дўстдек ардоқли. Марғуба Шамсутдинова болалигидан дала кезади. Далалар билан тиллашади. У кўп йиллар Наманган туманидаги “Туркистон” ширкат хўжалигида пахтачилик бригадасини бошқарди. Ҳозирда хўжаликнинг бош пудратчиси. Тасарруфида 495 гектар ери бор. Ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштиришга одатланган. Меҳнатни қадрлаган одамнинг меҳнати ҳам қадрланишини билади. Опа бош бўлган пудратчилар пахта йиғим-теримини бошлаб юборишган. Теримчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Улар йил бошида гектарлар ҳосилдорлигини 45 центнерга етказамиз, дея аҳд қилган эдилар. Дастлабки ҳосилни чамалаб кўришди: ҳар гектар ерда кам деганда 55 центнердан ҳосил тўпланган. Бугун опа бош бўлган пудратчиларнинг бутун ҳаракатлари ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган.*

**СУРАТДА: Марғуба Шамсутдинова илғор пахтакор Моҳигул Эргашева билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Навбатдаги кимошди савдоси

“Ўзаукционсавдо” департаментида навбатдаги кимошди савдоси бўлиб ўтди. Савдога хориж компаниялари ва фирмалари учун эркин валютага сотиладиган юқори ликвидли 2 минг тонна пахта хомашёси, 6980 тонна пахта шроти, 2 минг тонна катод миси ва шунча қора металл прокати қўйилди.

Кимошди савдосида пахта шроти, катод миси ва қора металл прокатининг харидорлари кўп бўлди. Шу турдаги маҳсулотлар бошланғич баҳосидан анча юқори нархларда сотилди. Пахта толаси савдоси ҳам қизғин ўтди. Хорижлик тадбиркорлар 1 минг 750 тонна толанинг ҳар тоннасини 911 АҚШ долларидан харид қилди.

**Меҳри БОЛЛИЕВА, ЎзА мухбири.**

Таҳлил, таққос

# Юз центнерчи пудратчилар

Бундан 8-10 йил аввал “Мамлакатимизда гектаридан 80-100 центнердан ғалла етиштириш мумкин” дейилса, бу гапга ҳеч ким ишонмасди. Ўтган йиллар мобайнида янгиликка ўч, ташаббускор андижонлик деҳқонлар Ўзбекистон шароитида ҳам ғаллачилик соҳасида юксак натижаларга эришиш мумкинлигини амалда исботлашди.

Андижонликлар бу йил энг юқори довонни забт этгани таҳсинга лойиқдир. Хусусан, вилоятда янги технология асосида иш юритган пудратчилардан юз нафари гектаридан юз центнердан ошириб ғалла ҳосили етиштирди. Айни кунларда улар эришган ютуқлар атрофлича таҳлил қилинаётир.

Хўш, вилоятда гектар ҳисобига 70-80 центнердан ҳосил ундирилган бир пайтда ана шу пудратчилар қандай қилиб бунга эришдилар? Ютуқнинг омиллари нималардан иборат?

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Андижоннинг бир қатор туманларида бўлиб, юз центнерчи пудратчиларнинг суҳбатини олдик.

— Ғаллачиликда қўлланилаётган Андижон технологиясининг ҳеч қандай пинҳона жойи йўқ, — деди Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги пудратчиси Валижон Ҳакимов. — Ўша ер, ўша техникага эгамиз. Ҳамма қатори оби-ҳаёт ва минерал ўғитдан оқилона фойдаланаяпмиз. Бироқ, бошқа вилоятларга нисбатан фарқ қиладиган томонимиз шуки, Андижонда ишчи кучига нисбатан ер кам, аммо унумдор, моддий манфатдорлик эса юқори. Шу боисдан халқимиз унинг ҳар қаричини кўзга тўтиё, деб билади. Ҳар туп майса атрофида парвона бўлади. Ҳосилни етилтиргунча бутун қалб кўрини унга бағишлайди. Бу, таъбир жоиз бўлса, Андижон деҳқонига хос хислатларнинг биринчи жиҳати бўлса, иккинчиси уруғчиликнинг яхши йўлга қўйилгани, агротехника тадбирларига қатъий амал қилинаётганидир.

Ўзингизга маълумки, ғалла экиш мавсуми сентябрь ойининг ўрталаридан 20 октябрга қадар давом эттирилади. Дастлаб ғўзадан бўшаган пайкаллар сифатли шудгор қилиниб, сўнгра гектарига 300-350 килограммдан суперфосфот, 80-100 килограммдан калийли ўғит солинади. Кейин ҳар гектар майдонга 250 килограммдан сара уруғ сепилади. Қишгача ниҳолларнинг тўлиқ туп олиши учун улар яна қўшимча равишда озиқлантирилиб, суғорилади. Баҳор ойларида эса қатор ораларига шарбат суви оқизилади. Бу даврда, албатта, ғалла ўтоғи бекамикўст амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда ғалла билан ёнма-ён ўсаётган бегона ўтлар озуқага шерик бўлиши билан бирга, унинг кўнгилдагидек барқ уриб ўсишига тўсқинлик қилади, ҳатто кейинчалик уруғ сифатининг бузилишига ҳам олиб келади.

Ғалладан юқори ҳосил олишнинг яна бир омили — ҳосилни ўз вақтида, қисқа муддатда, нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдир. Шундай қилинган тақдирда етилган бошоқларнинг тўкилиб кетишидан ва турли хил зараркунандаларга ем бўлишидан сақлайди. Натижада деҳқонга кутилган натижага эришиш имконини беради.

Энди ўзимизнинг ишимизга тўхталадиган бўлсак, бу йил оила аъзоларимиз билан бирга юқорида айтиб ўтилган агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда 18,5 гектар майдонда “Половчанка”, “Крошка” сингари серҳосил навларини ўстирдик. Якунда эса гектар ҳисобига 101,6 центнердан, жами 188 тонна дон йиғиштириб олдик. Шундан 46 тоннаси омборимизга тушди.

Марҳамат туманининг “Машъал” ширкат хўжалигида ҳам ана шундай илғор, тажрибали пудратчиларни учратиш мумкин. Жумладан, Абдупатто Норматов ва унинг оила аъзолари 17 гектар ерда меҳнат қилиб, ҳар гектар майдондан 100,1 центнердан ҳосил олишга эришди. 46,1 тонна дон эса уларнинг ихтиёрларида қолдирилди.

Худди шу хўжаликнинг бош пудратчиси Собиржон Бобожонов ҳам суяги деҳқончиликда қотганлардан. У эсини танибдики, дала кезади.

— Биласизми, — дейди Собиржон ака.—Умрим бино бўлиб ғалладан юз центнердан ҳосил оламиз, деб ўйламагандим. Тўғри, бундан икки йил аввал мавжуд майдондан 60, ўтган йили эса 70 центнердан дон етиштиргандик. Йиллар мобайнида тўпланган тажрибамиз жорий йилда, айниқса, ўз самарасини берди: юз центнерлик маррани эгалладик. Бундан ташқари, пудратчиларда ерга муносабат ўзгаргани, унга эгалик ҳисси вужудга келгани ҳам ана шу ютуқни таъминлашда муҳим омил бўлди, деб ҳисоблайман.

Эътиборлиси, вилоятда ғаллачиликда юзга интилиб, юз билан юзлашганлар келгуси йилда ҳосилдорликни янада оширишни мўлжалламоқдалар. Ҳозир барча хўжаликларда дон экиш ишларига пухта тайёргарлик кўрилаётгани шундан далолат беради.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**




АЛЮМИНИЕВЫЕ ОКНА, ДВЕРИ, ВИТРАЖИ

ТОЛЬКО В КРАСИВЫХ ОКНАХ ВИДНЫ КРАСОТА МИРА, ДОБРАЯ УЛЫБКА ОТЦА, ЧИСТЫЕ ЛИЦА ДЕТЕЙ.

ЧЕРЕЗ КРАСИВЫЕ ОКНА В ДОМ ВХОДЯТ СЧАСТЬЕ И РАДОСТЬ, И ЖИВУТ ЗА НИМИ ПО-НАСТОЯЩЕМУ ПРЕКРАСНЫЕ ЛЮДИ!

"ALQUR" участвует в строительстве отелей, бизнес-центров, колледжей, автозаправочных станций, жилых домов и т.д.

ALQUR

Бектемирский район, Ахангаранское шоссе, 2
Тел.: 98-64-83, 185-67-74. Факс: 98-64-84

Куйлюк
ALQUR
Алмалык

